

ШАРТНОМА №07/14
Махсулот етказиб бериш тўғрисида

Самарканд ш

“ 13 ” 07 2022 йил

“JUMABOZOR TA'MINOT 86” MCHJ бундан буён “Етказиб берувчи” деб юритилади, унинг номидан раҳбар **U.N. XUJANAZAROV** бир томонда ва Сиеб Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми номидан унинг раҳбари О.Ибрагимов томондан бундан буён “Буюртмачи” деб юритилади, куйидаги мазмунда шартнома туздик..

I. ШАРТНОМА АСОСИ

1.1. “Етказиб берувчи” ўзига тегишли бўлган ва келишилган куйидаги молларни таклиф этади, “Буюртмачи” эса ушбу молларни қабул қилиб олиш, ҳисоб- китоб қилади.

№	Махсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий суммаси
1	Краска эмаль.	дона	150	118000	17700000
2	Шпатлевка строительная (MEGAMIX)	кг	200	1680	336000
3	Валик красочный	дона	20	29500	590000
4	Шпатлевка строительная (Ротбанд)	кг	200	1750	350000
5	Водоэмульсия	дона	60	290000	17400000
6	Лак для дерева	дона	25	115900	2897500
7	Разбавитель	дона	100	21900	2190000
	жами				41463500

1.2.Шартноманинг умумий суммаси (сўз билан) :41463500 (Кирк бир миллион тўрт юз олтимиш уч минг беш юз) сум

II. МАХСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

2.1. Ҳисоб- китоб “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга ширилади.

2.2.Шартнома кучга кириб тегишли ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 банк иш кунида “Буюртмачи” етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30 %и олдиндан аванс тариқасида “Етказиб берувчи” нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70 %и “Етказиб берувчи” томондан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб фактуралар асосида 90 кун ичида ўтказиб беради.

2.4. “Буюртмачи” томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг “Етказиб берувчи” 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда махсулотларни “Буюртмачи” га етказиб беради.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Томонлар бошқа томоннинг хужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. “Етказиб берувчи” ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

- Берилган буюртмага мувофиқ етказиб берилган “Товар” махсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

- Агар “Товар” махсулотни етказиб бериш жараёнида “Етказиб берувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишига йўл қўйган бўлса “Буюртмачи” нинг талаб билан аниқланган барча нормативлардан 3 кун муддатда бепул беришга мажбурдир.

3.3. “Буюртмачи” ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликларни “Буюртмачи” ёки учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларни қопланишини талаб қилишга.
- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини “Етказиб берувчи” дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. “Товар” махсулотни белгиланган вақтга етказиб бермаганлиги учун “Етказиб берувчи” “Буюртмачи” га ўтиб кетган муддатнинг хар бир банк куни учун етказиб берилмаган махсулотнинг қийматида 0,1 % миқдорда. Лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган миқдорда жарима тўлайди.
- 4.2. Товар (махсулот) етказиб бериш бўйича назарда тутилган мажбуриятларни бажарилиши рад этилганлиги учун “Буюртмачи” га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган “Товар” махсулотни етказиб беролмаслиги натижасида зарарни тўлайди.
- 4.3. “Товар”(махсулот) етказиб бериш ёки етказиб берилмаган тақдирда “Етказиб берувчи” “Буюртмачи” га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорда пеня тўлайди. Бироқ бунда пеня умумий суммаси етказиб берилмаган “Товар” махсулотнинг қийматини 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 4.4. Етказиб берилган “Товар (махсулот)” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Етказиб берувчи”га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 % миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

V. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБЛАРИ

- 5.1. Келишмовчиликлар ва низо масалалари келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда улар судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
- 5.2. Келишув билан хал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда хал қилинади.

VI. ФОРС МАЖОР

- 6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар “Ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатлар” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
- 6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

VII. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан хал қилинади.
- 7.2. Шартнома бошқа томоннинг шартнома мажбуриятларини бажарилмаганлиги оқибатида бир ой олдиндан огоҳлантирилган тартибда бир томонлама бекор қилиниши мумкин.
- 7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ваколатлари вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.
- 7.4. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси “Етказиб берувчи” да , иккинчи нусхаси “Буюртмачи” да сақланади.

VIII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Шартнома имзоланиб худудий Ҳазначилик бўлинимасидан рўйхатга олинган кундан кучга кириб “31” декабрь 2021 йилгача амал қилинади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Етказиб берувчи»

«Буюртмачи»

Номи: "JUMABOZOR TA'MINOT 86" MCHJ

Манзили: Тайлок тумани Хужагунжоиш мфй 73 уй

Х/р: 2020 8000 1055 1501 2001

МФО: 01133

Банк номи: АТБ “Инфин банк” Самарканд вил фил

ИНН: 309453410

Раҳбар: У.Хужаназаров.

бюджетдан олувчининг номи

Номи: Сиеб Абу Али Ибн Сино номидаги

Жамоат саломатлиги техникум

Манзили: Самарқанд шаҳар Рудакий 190 уй

ШХР: 400910860184017092902054002

ИНН: 201007728

Молия вазирлиги ягона Ҳазначилиги Х/р:

23402000300100001010

Марказий банк ХКМ Тошкент МФО 00014

СТИРИ: 201122919

Раҳбар: (имзо)

О. Ибрагимов

ф.и.и.

М.У.

М.У.

Юрист: (имзо)

Юрист: _____



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"JUMABOZOR TA'MINOT 86" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"JUMABOZOR TA'MINOT 86" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.04.2022

1123398

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

309453410

Tashkiliy-
huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan
joyi:

Samarqand viloyati, Tayloq tumani, Самаркандская область, Тайлякский район, Хужакишлок МСГ, киш. Хужакишлок, дом 73,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Tayloq tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Сиёб Абу Али ибн Сино номидаги
Жамоат саломатлиги техникуми
директор ўринбосари, комиссия раиси


_____ **К.Тухтамишов**

Сиёб Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумига Краска,
водоэмулция, валик, разбавител, ротбанд ва мегамих сотиб олиш бўйича
ташкilotлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Самарканд шаҳри

« 13 » 07 2022 й.

Раислик қилувчи

К. Тухтамишов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

О.Сафаров

Комиссия аъзоси, Ўқитувчи

С.Турдиев

Комиссия аъзоси, Касаба уюшмаси раиси

С.Низамов

Комиссия аъзоси, Ётоқхона тарбиячиси

Р.Бабоев

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

Н.Кувандиков

Котиб, Хўжалик мудир

КУН ТАРТИБИ:

Сиёб Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми ўқув хоналарига Краска, водоэмулция, валик, разбавител, ротбанд ва мегамих бўйича.

(К. Тухтамишов, О.Сафаров, С.Турдиев, С.Низамов, Р.Бабоев, Б.Тошев, Н.Кувандиков)

Дирекция томонидан 2022 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига техникумга Краска, водоэмулция, валик, разбавител, ротбанд ва мегамих сотиб олиш бўйича № 22110012116362 - лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 5 июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан "JUMABOZOR TA'MINOT 86" МСНЖ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Дирекция бош бухгалтери Р.Бабоевга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 7 июндаги электрон баённомасига асосан голиб "JUMABOZOR TA'MINOT 86" МСНҲ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари


О.Сафаров



С.Турдиев



С.Низамов



Р.Бабоев



Н.Кувандиков

